

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Л. Бегимкулова	
Қора тотор ва ироқликларнинг Мовароуннаҳрдан кўчиши ҳамда унга таъсир қилган омиллар.....	171
Ш.Рискулов	
XIX асрнинг сўнгги чораги ва XX аср бошларида Афғонистондаги геосиёсий вазият.....	174
А.Нишонов	
Фарғона водийсининг биринчи шайбоний ҳоқими.....	179
С.Мўминов, Н.Кўлдашев	
Навоийнинг сўз қуввати.....	182
Ф.Маматкулова	
“Тоҳир ва Зухра” достонининг Қашқадарёга хос талқини.....	185
Ш.Низамова	
Тахаллуслар билан боғлиқ шеърий санъат ва унсурлар хусусида.....	189
М.Нуъмонжонова	
Зебо Ғаниева жасорати.....	193
С.Хақназарова	
Абдулла Шер ижодида Ватан манзаралари.....	196
М.Хамидов	
Ўзбек шеъриятида Машраб образи талқини.....	198
Г.Ҳимматова	
Характер руҳияти психологизми (Кўчқор Норқобил ижоди мисолида).....	201
И.Доронина	
XX аср адабиётида модернистик оқимлар, футуризмнинг ўзига хос хусусиятлари ва унинг ҳар хил турлари.....	204
Э.Гиздулин	
И.Бродский лирикаси турларининг хилма-хиллиги.....	207
Г.Розиқова, Э.Маруфова	
Ўзбек тили лексикасининг шакл ва маъно жиҳатидан ўзгариши.....	210
Д.Юлдашева	
Болаларга хос оғзаки ва ёзма матнларнинг яратилишида лингвистик гештальт хусусида.....	214
Н.Умарова, Х.Фаттоҳов	
Арабча ўзлашмалар ва уларнинг Навоий асарларида қўлланиши.....	217
Н.Расулова	
Тиббий терминлар ўқув луғатини тузиш тамойиллари.....	220
М.Саидова	
К.Болдикнинг “Адабиётшунослик терминларининг қисқача изоҳли оксфорд луғати”даги мураккаб таркибли адабиётшунослик терминлари таҳлили.....	223
Н.Каримова	
Тил материалларини ўрганишга ёндашувнинг долзарб масалалари.....	228
З.Позилжонова	
Маданиятлараро мулоқотда новербал мулоқот турлари.....	231
Н.Турсунова	
Фраземанинг тил бирлиги мақоми хусусида.....	235
Ф.Анварова	
Хорижий тилларнинг давлат тилида иш юритувчилар фаолиятида тутган ўрни.....	238
Ф.Раҳматов, М.Ахмаджонов, М.Мирзарахимов	
Клиент сервер технологиясига асосланган реал вақт тизимларида Firebase NoSQL базаларидан фойдаланиш	243
ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ	
Халқпарвар, ватанпарвар, забардаст файласуф олим (1929-2003).....	246

УДК: 94+950

ФАРҒОНА ВОДИЙСИНИНГ БИРИНЧИ ШАЙБОНИЙ ҲОКИМИ
ПЕРВЫЙ ПРАВИТЕЛЬ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ ИЗ ШЕЙБАНИДОВ
SHEYBANID AS THE FIRST RULER OF FERGHANA VALLEY

А.Нишонов¹

¹А.Нишонов

– ФарДУ таянч докторанти.

Аннотация

Мақолада Фарғона водийсининг биринчи шайбоний ҳокими масаласи тарихий манбалар ва адабиётлар асосида тадқиқ этилган.

Аннотация

В статье на основе исторических источников и литературы рассматривается вопрос о первом правителе Ферганской долины из шейбанидов.

Annotation

The issue of the first sheybanid governor of Fergana valley is investigated on the basis of historical sources and literature in this article.

Таянч сўз ва иборалар: Фарғона водийси, Шайбонийхон, Жонибек султон, “Бобурнома”, “Тарихи Рашидий”, “Мусаххир ал-билод”, Ахси, Хўжанд.

Ключевые слова и выражения: Ферганская долина, Шейбанихан, Джанибек султан, “Бабурнаме”, “Тарихи Рашиди”, “Мусаххир аль-билод”, Ахси, Ходжент.

Keywords and expressions: Fergana valley, Shaibanikhan, Janibek sultan, “Baburname”, “Tarixi Rashidy”, “Musakhir al-bilod”, Akhsi, Khojand.

Фарғона водийси 1504 йил Шайбонийхон қўшинлари томонидан забт этилди. Шайбонийхон Фарғона водийсини ушбу юришда иштирок этган султонлардан Жонибекка суюрғол қилиб берди. Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған “Мусаххир ал-билод” асарида Андижон Маҳмудшоҳ султонга, Ахси эса Жонибек султонга топширилганлигини қайд этган [6:91]. Лекин ушбу воқеаларни ҳикоя қилган тарихчилардан Муҳаммад Солиҳ, Ҳофиз Таниш Бухорий ва Ҳайдар мирзолар Фарғона водийси тўлиқ Жонибек султонга инъом этилганини таъкидлайдилар [5:243, 10:57, 4:245]. Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома” асарида 1504 йили Фарғонага қилинган юриш тафсилотлари ва унда қатнашган султонлар ҳамда йирик беклар ҳақида батафсил маълумот берилган бўлса-да, Маҳмудшоҳ Султон ҳақида сўз юритилмаган. Шунингдек, Ҳайдар мирзо мўғул шахзодаси Султон Саидхон ҳаётига оид маълумотларни ҳикоя қилиш чоғида 1508 йили Андижон ҳокими Хожи Али баҳодир эканлиги, у Ахсини ўзига қароргоҳ қилиб водийни бошқараётган Жонибек султонга бўйсунганлигини таъкидлаган. Хожи Али баҳодир ҳақида Муҳаммад Солиҳ,

Ҳофиз Таниш Бухорий, Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған асарларида маълумот йўқ. А.Жувонмардиев томонидан нашр эттирилган Фарғона водийсининг XVI-XIX асрлар иқтисодий ҳаёти ҳақида маълумот берувчи “Ёрликлар тўплами”да ҳам Хожи Али баҳодир номи билан боғлиқ ҳужжатлар учрамайди. Фақатгина Ҳайдар мирзо “Тарихи Рашидий” асарида у ҳақида қуйидагича ёзади: “Султон Саидхон Андижонга келишга мажбур бўлган пайтда Фарғона вилояти Жонибек султон қўлида эди. Жонибек султон Андижонни Хожа Али баҳодир исмли кишига берган, у Шоҳибекхоннинг ишончли одамларидан бири бўлиб, унинг ҳузурида оталиқ мансабида эди” [4:332]. Юқоридаги маълумотдан кўринадики, Хожа Али баҳодир Шайбонийхонга яқин шахслардан бири бўлган. Шайбонийхон Маҳмудшоҳ Султондан сўнг Андижонни тўлиқ Жонибек султонга топширмай, у ерга ўз одами Хожа Али баҳодирни тайинлаган. Гарчи Хожа Али баҳодир Жонибек султонга бўйсунган бўлса-да, у билан муносабатлари у қадар яхши бўлмаганлиги ҳам бунга мисол бўла олади.

Тарихий манбалардаги маълумотлардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, “Мусаххир ал-билод” асарида

тилга олинган Маҳмудшоҳ султон Жонибек султонга бўйсунувчи Андижон ҳокими этиб тайинланган амалдорлардан бири бўлиши мумкин. Лекин унинг Андижондаги ҳокимлик даври 1508 йилга қадар давом этмаган. Чунки юқорида айтганимиздек, шу йили Андижон Ҳожи Али баҳодир қўлида эди. А.Жувонмардиев томонидан эълон қилинган Фарғона водийсига оид “Ёрликлар тўплами”да “Музафариддин султон Маҳмудшоҳ баҳодир” номидан Ахсикент вилоятидаги Фозил Алига берилган ёрлик ҳақида маълумот мавжуд [2:76]. А.Жувонмардиев “Музафариддин султон Маҳмудшоҳ баҳодир” 1462-1487 йилларда Мўғулистон хони бўлган, 1485-1487 йилларда Тошкентни ҳам ўз тасарруфига олган Юнусхоннинг ўғли Султон Маҳмудхон эканлиги таъкидланган. Султон Маҳмудхон эса 1487-1503 йиллари Тошкент хони сифатида ҳукмронлик қилган. У Фарғонани бўйсундириш мақсадида 1502-1503 йиллари водийда уруш ҳаракатлари олиб борганлиги маълум. Бизнингча, А.Жувонмардиев берилган изоҳда хатолик бор. Берилган ҳужжат Султон Маҳмудхонга тегишли эмас. Биринчидан, одатда мўғул хонларининг исмига “шоҳ” қўшимчаси қўшилган эмас. Иккинчидан, 1508-1509 йиллари ушбу шахс Андижон ҳокими Маҳмудшоҳ Султон бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки Ахси вилоятидаги фуқарога ҳужжатни бу вилоятни бошқараётган Жонибек султон эмас, Андижон ҳокими Маҳмудшоҳ Султон томонидан берилиши мантиқан тўғри келмайди.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, Шайбонийхон Фарғона водийси ҳокимлигини Жонибек султонга топширган. Яъни, Фарғона водийсини иккига бўлмасдан, Жонибек султоннинг ягона бошқарувида сақлашни лозим топган.

Фарғона водийсининг барча ҳудудлари Жонибек султонга бўйсундирилганлигини таъкидлашимиз мумкин. Лекин водийнинг ғарбий қисмида жойлашган Хўжанд шаҳри ва унинг атрофларини маъмурий ҳолати ҳақида аниқ маълумотлар мавжуд эмас. Чунки Хўжанд шаҳри 1503 йилиёқ Шайбонийхон томонидан забт этилган ва Фарғона водийсидан ажратиб олинган эди. Фазлуллоҳ ибн Рўзибехон ўзининг “Меҳмонномаи Бухоро” асарида Шайбонийхоннинг 1509 йил қозоқлар устига

уюштирган юриш вақтида Тошкентдан Севинчхожахон, Фарғонадан Жонибек султонлар билан бир қаторда Хўжанд ва Шоҳрухия амирлари ҳам ўз аскарлари билан қўшинга келиб қўшилганини таъкидлайди [9:88]. Мазкур юришда иштирок этган султонлар қаторида Хўжанд ва Шоҳрухия амирларининг алоҳида қайд этилиши ушбу ҳудудларни тўғридан-тўғри марказий ҳокимиятга бўйсунган маъмурий бирликлар бўлганини англатади. Шундан келиб чиқиб, Хўжанд вилояти Фарғона вилояти ҳокими Жонибек султон тасарруфида бўлмаганлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Жонибек султон даврида Фарғона водийсининг маъмурий маркази Ахси шаҳри бўлган. Бунга қуйидаги омиллар таъсир этган бўлиши мумкин.

Биринчидан, 1504 йили Аҳмад Танбал ва Шайбонийхон қўшинлари ўртасида бўлган жангларда Андижон шаҳрига катта талофот етган. Чунки қамал, Ҳайдар мирзонинг таъкидлашича, 40 кундан ортиқ давом этган. Бунинг натижасида қалъа ва шаҳар аҳолиси катта зарар кўрган. Муҳаммад Солиҳ ҳам “Шайбонийнома”да Андижон шаҳри ва унинг атрофлари қаттиқ талон-торожга учрагани ҳақида ҳикоя қилади. Ушбу мазмундаги маълумотлар “Таворихи гузида – Нусратнома” асарида ҳам берилган [8:142]. Тарихчи олим С.Жалилов ҳам ушбу жангдан кейин шаҳар арки бузиб ташланганлигини таъкидлаган [7:72]. Шунинг учун ҳам Жонибек султон Андижонда қолишни маъқул кўрмаган бўлиши мумкин.

Иккинчидан, Ахси шаҳри Темурийлар даврида водийнинг энг мустаҳкам ҳимояланган шаҳри эди. Тарихчилар Ҳофизи Абру ва Абдураззоқ Самарқандийлар Мирзо Улуғбек қўшинлари томонидан Ахси шаҳрини забт қилиниши ҳақида ҳикоя қилганларида, ушбу қалъа водийнинг энг яхши ҳимояланган истехкоми эканлигини таъкидлашган [11:57, 1:255]. Шунингдек, Бобур мирзо ҳам Ахси шаҳри ҳақида сўз юритар экан, “Фарғонада мунча берк кўрғон йўқтур”, деб бежиз таъкидламаган [3:8].

Учинчидан, Жонибек султонни Ахсида туриши шимолдан бостириб кириши мумкин бўлган мўғуллар учун ҳам тўсиқ эди. Ўз вақтида Умаршайх мирзо айни шу сабаб учун ҳам Андижон шаҳрини эмас, Ахси шаҳрини қароргоҳ қилганди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Шайбонийлар даврида Фарғона водийсининг дастлабки ҳоқими Жонибек султон бўлган. Водийнинг Хўжанд вилоятидан бошқа барча ҳудудлари унинг тасарруфида эди. Андижон, Марғилон, Ўш шаҳарлари Жонибек султонга бўйсунувчи амалдорлар томонидан бошқарилган.

Лекин Жонибек султоннинг Фарғона водийсидаги ҳоқимлиги узоқ давом этмади. Тарихий манбаларда таъкидланишича, Шайбонийхон 1509 йил қозоқлар устига

қилинган юришининг натижаларидан қониқмаган. Ушбу юришда муваффақиятга эришилмаганлиги сабабини султонларнинг марказий ҳоқимиятга етарли даражада бўйсунмаганлигидан кўрган. Шу сабабли ҳам шайбоний султонларга берилган суюрғолларни алмаштириб, уларнинг мавқеини пасайтиришга интилган. Жумладан, Жонибек султонга Кармана мулки берилган ва у Фарғона суюрғолидан маҳрум этилган.

Адабиётлар:

1. Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн / Форс тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи, тарих фанлари доктори А.Ўринбоев. – Т.: Ўзбекистон, 2008.
2. Жувонмардиев А. XVI – XIX асрларда Фарғонада ер-сув масалаларига доир – Т.: Фан, 1965.
3. Заҳририддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. / Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. – Т.: Юлдузча, 1989.
4. Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. Тарих-и Рашиди / Введение, перевод с персидского А. Урунбаева, Р.П. Джалиловой, Л.М. Епифановой, примечания и указатели Р.П. Джалиловой и Л.М. Епифановой – Т.: Фан, 1996-С. 344; Муҳаммад Ҳайдар Мирзо. Тарихи Рашидий / Сўз боши ва изоҳлар муаллифи ҳамда таржимонлар В. Раҳмонов ва Я. Эгамова – Т.: Шарқ, 2010.
5. Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома / Таҳрир ҳайъати А. Қаюмов ва бошқалар; Нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи Э. Шодиев. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989.
6. Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған. Мусахҳир ал-билод / Форс тилидан таржима, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари: Исмоил Бекжонов, Дилором Сангирова – Т.: Янги аср авлоди. 2009.
7. Сайфиддин Ж. Бобур ва Андижон. – Т.: Ўзбекистон, 1993.
8. Таворихи гузида – Нусратнома // Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия. XIV-XIX асрлар. – Т.: Fan va technology, 2014.
9. Фазлаллах ибн Рузбихан Исфоханий. Михман-наме-йи Бухара (Записки бухарского гостя) / Перевод, предисловие и примечания Р.П.Джалиловой. – М.: Наука, 1976.
10. Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдуллонома / Форс тилидан С. Мирзаев таржимаси, илмий муҳаррир, нашрга тайёрловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи академик Б. Аҳмедов. –Т.: Шарқ. 1999.
11. حافظ ابرو. زوبة التواريخ. مقدمة، تصحيح و تعليقات: كمال حاج سيد جوامى. در چهار جلد. تهران، 1380.

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор).